ТАЛАБАЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТЕХНОЛОГИК ЁНДАШУВ

Х.Т.ИСМОИЛОВА

Мақолада талабаларнинг иқтисодий маданиятини шакллантириш технологиясини амалга ошириш босқичлари, шакл, метод ва воситалари ёритилган.

***Калит сўзлар**: иқтисодий маданият, тежамкорлик, тадбиркорлик, технология, метод, мунозара.*

В данной статье освещена технология формирования экономической культуры студентов, этапы, формы и методы данного процесса.

***Ключевые слова**: экономическая культура, бережность, предприимчивость, технология, методы, дискуссия.*

This article contains some useful recommendations which could be used in the process of formation of economic culture and technology of its use in each of its stage, forms and methods used in this process.

***Key words:** economic culture, proprietorship, technology, methods, discussion.*

Маълумки, республикамизда ва хорижда таълим технологиялари билан бир қаторда тарбия технологияларини ишлаб чиқишга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, республикамизда Р.Ишмуҳаммедов, З.Солиева, Г.Юсупова каби олимлар томонидан айрим тарбия технологиялари ишлаб чиқилган. Бироқ яхлит мослашувчан тарбия технологияси яратилмаган эди. Мазкур муаммога жавоб сифатида “ИТД-4-122 – Юксак маънавиятли шахсни шакллантиришнинг тарбия технологиясини ишлаб чиқиш” амалий лойиҳаси доирасида яхлит тарбия технологиясини ишлаб чиқилди. Мазкур технология тўрт босқични ўз ичига олади:

1. Мотивацион босқич – тарбияланувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларда маънавий-ахлоқий фазилатларни эгаллашга қизиқиш, эҳтиёж ва истакни қарор топтириш.

2. Мазмунли босқич – тарбияланувчиларда шакллантирилиши лозим бўлган маънавий-ахлоқий фазилатларга доир тасаввур, тушунча ва билимлар мажмуини ишлаб чиқиш.

3. Фаолиятли босқич – тарбияланувчиларда шакллантирилиши лозим бўлган маънавий-ахлоқий фазилатларга доир аниқ вазиятлар, фаолият шаклларини яратиш орқали уларни амалий фаолиятга жалб этиш.

4. Қадриятли босқич – маънавий-ахлоқий фазилатларни қадриятга айлантириш, уларда мустаҳкам эътиқодни шакллантириш мақсадида ташкил этилувчи тарбиявий жараённинг юқори босқичи.

Юксак маънавиятли шахсни шакллантиришнинг тарбия технологияси қўлланиш даражаси ва тавсифига кўра умумпедагогик даражадан бошлаб микротехнология кўринишигача намоён бўла олиш хусусиятига эга. Технологиянинг шу хусусиятини асос қилиб олган ҳолда “Талабаларда иқтисодий маданиятни шакллантириш технологияси”ни ишлаб чиқдик:

Босқичлар	Мазмуни	Шакл, метод ва воситалари
Мотивацион	Талабаларда иқтисодий жараёнларнинг ривожланиб бориши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка доир қизиқиш ва эҳтиёжларни шакллантириш	Мунозара, дебат, овозга қўйиш, ўз-ўзини таҳлил этиш, «Нима учун?», «Балиқ скелети», «Қандай?» график органайзерлари
Мазмунли	Талабаларда иқтисодий билимдонликни таркиб топтириш, уларни иқтисодий-ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ ютуқ ва муаммолар билан мунтазам таништириб бориш	Маъруза, семинар, конференция, тушунтириш, изоҳли диктант, «Мен - ўқитувчи» ўйини, ақлий ҳужум, «Инсерт» жадвали, «Ўқитиш бўйича кўлланма»
Фаолиятли	Талабаларни тежамкорлик ва тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш ҳамда уларда истеъмолчилик маданиятини қарор топтириш	Жуфтликларда ишлаш, лойиҳа методи, бизнес режа ишлаб чиқиш, ишбилармонлик ўйинлари, «Т-чизма», «Венн диаграммаси» график органайзерлари
Қадриятли	Барқарор эътиқод ва қарашлар тизимининг шаклланиши ҳамда ҳамкорликдаги фаолият малакаларини эгаллаш	«Мулоҳаза, сабаб, мисол ва умумлаштириш», ФСМУ методи, SWOT-таҳлил жадвали

Талабаларда иқтисодий маданиятни шакллантириш уларни тежамкорлик, тадбиркорликка ундовчи мотивлар йиғиндисидан иборат мотивацион жиҳатларни аниқлаб, барқарор эҳтиёжлар объектига айлантиришни талаб этади. Мотивацион таркибий қисмнинг аҳамияти тарбияланувчиларда англанган эҳтиёж сифатида тушуниладиган иқтисодий тежамкорликка ички мотивни шакллантиришда намоён бўлади. Маз-

кур босқичда мунозара ва дебат шаклларидан, овозга қўйиш, ўз-ўзини таҳлил этиш методларидан ҳамда «Нима учун?», “Балиқ скелети”, “Қандай?” график органайзерларидан фойдаланиш мумкин.

Талабаларда иқтисодий маданиятни шакллантириш билан боғлиқликда, масалан, қуйидаги мавзуларда мунозаралар ўтказиш мақсадга мувофиқ:

1. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш муаммолари.

2. Бозор иқтисодиётини шакллантириш жараёнида давлатнинг етакчилик фаолияти.

3. Нодавлат мулк шакллари: улар қандай вужудга келади?

4. Бизнес тадбиркорликнинг шакли сифатида.

Мунозараларни ташкил этиш жараёнида **«Овозга қўйиш»** методи имкониятларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ушбу метод маълум мавзу ёки муаммо юзасидан чиқарилган хулосаларнинг мақбуллик даражасини аниқлашга қаратилиб, қуйидаги шартларнинг бажарилиши талаб этади: 1) мунозара вақтида баҳсли вазиятни келтириб чиқариш; 2) гуруҳлар ёки томонларнинг фикрларини тинглаш ва далиллар билан танишиш; 3) фикрларнинг мақбуллик даражасини аниқлаш; 4) мақбул топилган бир неча фикрларни кайта овозга қўйиш; 5) якуний хулосага келиш.

Шунингдек, мазкур босқичда «Нима учун?», «Балиқ скелети», «Қандай?» диаграммаларидан фойдаланиш ўқувчиларда иқтисодий муаммоларга фаол қизиқишни юзага келтиради. Ушбу график органайзерларнинг энг асосий хусусиятларидан бири уларнинг бир-бирини тўлдириб, муаммонинг алоҳида жиҳатларини очиб беришга хизмат қилишидир.

«Нима учун?» чизмаси - муаммонинг дастлабки сабабларини аниқлаш бўйича фикрлар занжири. У талабаларда тизимли, ижодий, таҳлилий фикрлашни ривожлантиради ва фаоллаштиради. Дастлаб талабалар «Нима учун?» чизмасини тузиш қоидаси билан танишадилар. Алоҳида ва кичик гуруҳларда муаммони ифодалайдилар. “Нима учун?” сўроғига жавоб ёзадилар. Бу жараён муаммонинг дастлабки сабаби аниқлангунча давом этади.

“Нима учун?” техникаси



1-чизма. **«Айрим корхоналарнинг зарар келтирувчи ҳолати» мавзусидаги «Нима учун» чизмаси**

«Балиқ скелети» чизмаси. Мазкур график органайзер бир қатор иқтисодий муаммоларни тасвирлаш ва уни ечиш имконини беради. Талабаларда тизимли фикрлаш, муаммо ечимларини умумий тузилмага келтириш, муаммони таҳлил қила олиш кўникмаларини ривожлантиради. Дастлаб чизмани тузиш қоидаси билан таништирилади. Талабалар ҳар бири алоҳида ёки кичик гуруҳларда балиқнинг юқори «суягида» кичик муаммони ифодалаб, пастда ушбу кичик муаммолар мавжудлигини тасдиқловчи далилларни топиб ёзадилар.



2- чизма. **«Айрим корхоналарнинг зарар келтирувчи ҳолати» мавзусидаги «Балиқ скелети» чизмаси**



3-чизма. «Айрим корхоналарнинг зарар келтирувчи ҳолати» мавзусидаги «Қандай» диаграммаси

Технологиянинг **мазмунли босқичи** асосида иқтисодий билимларни ўзлаштириш, ижтимоий йўналтирилган ориентацияни шакллантириш, воқеа-ҳодисаларни танқидий баҳолай олиш қобилиятини ривожлантириш, воқеликнинг ривожланиб бориши эҳтимолий вариантларини башорат килиш ва шу асосда мустақил қарор қабул қила олиш кабилар ётади. Мазкур босқичда маъруза, семинар, конференция каби шакллардан, тушунтириш, изоҳли диктант, «Мен - ўқитувчи» ўйини, ақлий ҳужум, «Ўқитиш бўйича қўлланма» методларидан ҳамда «Инсерт» жадвалли график органайзеридан фойдаланиш мумкин.

Изоҳли диктант – ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш шаклларидан бири. Машғулотлар жараёнида қисқа муддатга ташкил этилиб, ўқувчиларнинг муҳим иқтисодий тушунчаларни ўзлаштирганлик даражасини аниқлашга хизмат қилади. Изоҳли диктант ҳам бир неча шартларга мувофиқ амалга оширилади. Жумладан:

1) талабалар топшириқ моҳияти билан таништирилади;

2) талабалар эътиборига улар томонидан шархланиши талаб этилувчи тушунчалар мажмуи тавсия этилади;

3) талабалар берилган тушунчаларни ёзма равишда изоҳлайдилар;

4) талабалар фаолияти назорат қилиб борилади;

5) талабаларнинг ёзма жавоблари йиғиб олинади ва билими баҳоланади.

Технологиянинг учинчи - **фаолиятли босқичи** асосини ўқувчиларни тежамкорлик ва тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш ҳамда уларда истеъмолчилик маданиятини қарор топтириш ташкил этади. Мазкур босқичда жуфтликларда ишлашни ташкил этиш, лойиҳа методи, бизнес режа ишлаб чиқиш, ишбилармонлик ўйинлари методларидан ҳамда «Т-чизма», «Венн диаграммаси» график органайзерларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Ишбилармон ўйинлар ҳаётий воқеликка энг яқин келувчи метод бўлиб, катта амалий аҳамият касб этади. Ана шундай ишбилармон ўйинларидан бири – Уддабурон тадбиркор» ўйинидир. Ўйин саккиз босқичдан иборат:

1-босқич. Тайёргарлик босқичи. Ўқитувчи иштирокчиларни машғулотни ташкил этиш шартлари билан таништиради (3 дақиқа).

2-босқич. **БЛИЦ-ўйин** (берилган саволларга аниқ, қисқа жавоблар олиш) асосида ўқувчиларга қуйидаги саволлар берилиб, уларнинг тезкор фикрлаш лаёкатига эгалик даражаси аниқланади:

1. Эҳтиёж нима? Унинг қандай турларини биласиз?
2. Капитал тушунчасига таъриф беринг.
3. Кредит қандай вазифаларни бажаради?
4. Бозор деганда нимани тушунасиз?
5. Рақобат деб нимага айтилади?
6. «Тадбиркор» деганда кимни тушунасиз?
7. «Мулкдор» тушунасини изоҳланг.

Энг яхши кўрсаткичларни қўлга киритган ўқувчилар аниқланиб, улар эксперт гуруҳига бириктириладилар (4 дақиқа).

3-босқич. **БЛИЦ-ўйин** асосида қолган ўқувчиларга қуйидаги саволлар берилади:

1. Талаб деб нимага айтилади?
2. Таклиф деганда нимани тушунасиз?
3. Микроиқтисодиёт деганда нимани тушунасиз?
4. Макроиқтисодиёт тушунчасига таъриф беринг.
5. Бозорнинг қандай турлари мавжуд?
6. Қандай мулк шакллари мавжуд?
7. Фермер хўжалиги нима?
8. Фойда деб нимага айтилади?

Саволларга тез ва аниқ жавоб берган талабалар аниқланади ва улар ўзлари етакчилик қилувчи гуруҳни шакллантириш ҳуқуқини қўлга кирита-

дилар. Шу тарзда ўйин иштирокчилари уч гуруҳга ажралади (4 дақиқа).

4-босқич. Гуруҳларга мустақил равишда ўзларининг бизнес режаларини ишлаб чиқиш топшириғи берилади (30 дақиқа).

5-босқич. Ҳар бир гуруҳ етакчиси иштирокчиларни ўзларининг бизнес режалари билан таништирадилар (12 дақиқа, ҳар бир гуруҳга 4 дақиқадан).

6-босқич. Эксперт гуруҳининг аъзолари томонидан бизнес режаларни баҳолаш асосида энг яхши бизнес режалар аниқанади (5 дақиқа). Бизнас режа қуйидаги мезонларга мувофиқ баҳоланади:

1. Тадбиркорлик фаолиятининг мувафаққиятини кафолатловчи ҳар бир иш (тадбиркорлик фаолияти тури ёки йўналишининг мақсадга мувофиқ аниқлангани - ҳудудий талаб ва аҳоли эҳтиёжининг инобатга олингани, ижтимоий аҳамияти, иқтисодий самарадорлиги; моддий маблағ манбаи ва умумий қийматининг аниқ кўрсатилгани; назарда тутилаётган иш ўрни, ходимлар сони, вазифалари ҳамда иш ҳақи суммаларининг тўғри ифода қилингани; мавжуд техник асбоб-ускуна, қурилмалар ва уларнинг сони; тайёрланувчи маҳсулот тури; маҳсулотнинг таннархи, маҳсулотни реализация қилиш имконияти; умумий харажатлар миқдори ва ҳоказолар) ўз ифодасини топган бизнес режа учун - 5 балл.

2. Айрим объектив ва субъектив омиллар ҳисобга олинмаган бизнес режа учун - 3 балл.

3. Мавжуд талабларга етарлича жавоб бермайдиган бизнес режа учун -1 балл.

7-босқич. Ўйин иштирокчилари мунозара асосида эксперт гуруҳи қарорига нисбатан ўз муносабатини билдиришади (5 дақиқа).

8-босқич. Ўйин тугалланади (3 дақиқа).

Технологиянинг тўртинчи – **қадриятли** босқичида талабаларда иқтисодий фаолиятга доир барқарор эътиқод ва қарашлар тизими шакллантирилади ҳамда ҳамкорликдаги фаолият малакалари таркиб топтирилади. Мазкур босқичда «Мулоҳаза, сабаб, мисол ва умумлаштириш», ФСМУ методи, SWOT-таҳлил жадвали каби метод ва воситалардан фойдаланиш мумкин.

ФСМУ методи қуйидаги тўрт асосга эга:

Ф - фикрингизни баён этинг.

С - фикрингизнинг баёнига сабаб кўрсатинг.

М - кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг.

У - фикрингизни умумлаштиринг.

Талабаларга ижтимоий-иқтисодий ҳаёт билан боғлик концептуал ғоя тақдим этилади. Сўнг улардан ана шу ғояни юқоридаги тўрт асосга таянган ҳолда шарҳлаш топшириғи берилади. Масалан, қуйидаги шаклдаги тарқатма материал берилади:

Иқтисодий инновациялар - истиқбол учун инвестициялардир.

Ф - _____

С - _____

М- _____

У - _____

Юқорида келтирилган технологиянинг ҳар бир босқичини аниқ лойиҳалаш ва уни амалга ошириш кутиладиган натижаларни кафолатлайди.

Шундай қилиб, талабаларнинг иқтисодий маданиятини шакллантиришда технологик ёндашув имкониятларидан фойдаланиб, кутиладиган натижаларни олдиндан кафолатлаш орқали таълим самарадорлигига эришиш мумкин. Зеро, баркамол, етук, иқтисодий маданияти шаклланган ёшлар мамлакат иқтисодини мустаҳкамлайди, ўзи, оиласи ва халқининг фаровонлигини таъминлайди.

Адабиётлар:

1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.

2. Эгамбердиева Н, Исмоилова Х. Технологик ёндашув асосида педагогика коллежи ўқувчиларининг иқтисодий маданиятини шакллантириш./Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технология, 2011

3. Камолова Н.Қ. Ўқувчи-ёшларда иқтисодий билим ва кўникмаларни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари (Педагогика коллежлари мисолида): Педагогика фанлари номзоди ... дисс. - Т., 2005.

4. Собиров Б.Б. Ўқувчиларда иқтисодий тушунчаларни шакллантиришда инновацион методлардан фойдаланишнинг педагогик асослари: Педагогика фанлари номзоди. ...дисс. - Т., 2004.

5. Эшмуродова Г.Х. Ўспирин-ўқувчиларда иқтисодий билимларни шакллантиришнинг педагогик асослари: Педагогика фанлари номзоди ... дисс. - Т., 2007

6. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008.

7. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2010.

Андижон давлат университети,
2013 йил 17 майда қабул қилинган
(Тақризчи: п.ф.н. А.Негматова)